

51 (1151)-сон 25 декабрь 2013 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

ЯХШИЛИК УНУТИЛАДИ,
ЭМОНАЛИК-ЧИР



4



ЯНГИ ЙИЛ ҚЎШИФИ

5

ОЗИШНИ
ИСТАГАНЛАРГА
ОҚ ТАРЕЛКА



6



8

ҚУДАЛИК ЖУДОЛИК
БЎЛМАСИН...

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммад Карим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Машаққатли машқлар ортида
ҳамиша улкан ғалабалар туради!



“ОБУНА – 2014”
“Ойла ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна
бир ҳақиқий аъзоси
сифатида қадрлаб, биз билан
ҳамфикр, ҳаммаслақ бўлиб кела-
ётган
муҳтарам муштарийлар!
Унутманг, сеvimли газетангизга
обуна давом этмоқда.



Индекс — 176

ҲИКМАТ

Бугуннинг чорасини
кўриб, эртага эҳтиёжи
қолмаган киши ақли-
дир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, бу борада аёлларнинг ташаббускорлиги, фаоллигини ошириш мақсадида 2011 йилдан буйен Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси тизимида "Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошлангич ташкилоти" кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Ушбу танловнинг бу йилги туман-шаҳар босқичларида 20 мингга яқин, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида икки мингга яқин

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТ



ташкilot раислари иштирок этди ва уларнинг 84 нафари 6 та номинация бўйича республика босқичига тавсия этилди.

Яқинда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда мазкур танловнинг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ушбу танловнинг "Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти" номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаганим мени янада шижоат билан ишлашга ундайди, — дейди Бағдод туманидаги Кўшчинор маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти раиси Жамилахан Ортиқова. — Президентимиз томонидан 2014 йилнинг "Соғлом бола" йили деб эълон қилиниши кўмитанинг куйи тизими фаол-

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИДА

лари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Айни пайтда хотин-қизлар ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга, уларнинг соғлиқларини муҳофаза қилишга қаратилган амалий ишларни янада кенгайтиришга ҳаракат қилаёلمиз.

— Биз ўз фаолиятимизда эрта никоҳларнинг олдини олишга доимий эътибор қаратаёلمиз, — дейди

Кашқадарё вилояти, Чироччи тумани Чоштепа маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси

бошлангич ташкилоти раиси Замира Қиличева. — 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ никоҳ ёшига амал қилмаслик ҳолатларига нисбатан чора-тадбирлар кучайтирилди. Ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида қишлоғимиздаги таълим масканларида ота-оналар ҳамда ўқувчилар, тажрибали шифокор, диний кўмита вакиллари иштирокида



семинар ташкил қилдик. Бундай тарғибот ишларини мунтазам йўлга қўйиш ижобий самара беради.

Кўрик-танловнинг республика босқичи голиблари ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

Нигора РАҲМОНОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ФАЙЗЛИ, ОЙДИН МАСКАНЛАР...

— Саранжомлик кўнгилларга хуш кайфият улашади, — дейди Пискент туманидаги Кориз КФЙга қарашли "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исmoil ота Курбонов. — Маҳалламизда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини "Ободонлаштириш кунини" деб белгиланган. Шу кунини ҳар бир хонадондан бир киши масканимизни файзли қилиш ишида қатнашди, ҳар гал бу юмушни ахил-иноқликда ўтказамиз. Кўча-кўй, ён-атрофнинг саранжом-сариштилиги, файзи кўзни қувонтириб, киши кайфиятини кўтаради. Шунда одамнинг ишида ҳам унум бўлади. Албатта, ҳамма ҳам ўз ҳовлиси ва унинг атрофини тоза тутишга одатланган, катта кўчалар тозаллиги учун эса шу ерда яшаётган кишилар биргаликда масъул бўлмоғи лозим. Бу ҳар қадамда табиат тортиқ этган инъомларни асрамоғимизни ҳам ифодалайди.

Маҳалламиздаги Уртаовул, Қашқа ва Бахт-1 кўчаларининг ўз кўчабошилари бор. Улар ёрдамича тўй-маъракалар, катта-кичик йиғинлар бамаслаҳат ўтказилади. Хотин-қизларнинг соғлом, жисмонан ва руҳан тетик бўлишида шифокорларнинг ўрни катта. КВП муdiri Кўйдинисо Курбонова, масъул котибимиз Ортиқкул Йўлдошевлар бу борада жонқур ярак бил-

лан фаолият юритишяпти. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Кларахан Саримсоқовани маҳалладошлари ўз онасидай, опаси, синглисидай кўришади.

Маҳалламиз — фахримиз



Ёш қизларнинг хунар ўрганиш кўникмаларини оширишга хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти билан биргаликда ибратли ишлар йўлга қўйилган. Шу билан бирга, ҳафтанинг жума куни "Орас-та қизлар" тўғараги иш олиб боради.

— Коллеж битирувчиларининг ота-оналари билан яқиндан мулоқотда бўламиз. — дейди маслаҳатчи Клара Саримсоқова. — Ҳар бир она фарзанди соғлом муҳитда улгайишини истайди. Шу маънода қариндошлар ўртасидаги қандайдилликка йўл қўймасликнинг ҳаётий аҳамияти борлигини мисоллар билан тушунтирамиз. Шунингдек, эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари ҳақида малакали шифокор ва туман ФХДЭ бўлими ходим-

лари иштирокида учрашув кечалари уюштириб бораемиз. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида унинг ҳуқуқий маданияти мустаҳкам шаклланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мутахассисларни жалб этган ҳолда тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Оилавий тадбиркорлик ҳақидаги тарғибот тадбирлари ҳам кишиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Маҳаллаида яқша тадбиркорлар сони ортмоқда.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

Жараён

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ КЎРҒОН

Президентимиз томонидан 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб номланшида чуқур маъно-мазмун мужассам. Зеро, миллат келажаги, Ватан равнақи ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Ҳар бир оиладаги маънавий муҳит, аҳиллик ва тотувликнинг фарзандлар тарбиясида, уларнинг соғлом ўсишида ўрни бекиёс. Булар эса аввало оила кўргонининг пойдевори мустаҳкам бўлиши билан белгиланади. Юртимизда оила институтининг жамият ҳаётини таъминлаш бўлиши билан мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қабул қилинган кўлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ана шундай эзгу мақсадларга қаратилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар бўлғуси ота-оналар ва тугилахак фарзандларнинг соғлом бўлишида ҳаётий аҳамият касб этмоқда.

Биз фаолият юритаётган Поп тумани 2-сонли ФХДЭ бўлими жорий йилнинг 10 мартда иш бошлаганини назарда тутиб, бўлим томонидан ўтган тўққиз ой мобайнида 387 та никоҳ қайд этилди. 770 нафар никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. Оила-ларга қувончу шодлик ҳада этиб, 1039 нафар соғлом фарзандлар дунёга келгани бизнинг ҳам қувончимизга айланди. Муқаддам фақат шаръий никоҳ асосида турмуш қуриб яшаётган 64 та оила аниқлаиб, уларнинг никоҳи қонуний тарзда расмийлашнинг йўлини кўриб олди.

Айни пайтда туманимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларимиз кўламини янада кенгайтиришга киришдик. Зеро, ҳамжихатликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтишмайди.

Гулнора АЛИМОВА,
Поп тумани 2-сон ФХДЭ
бўлими мудирини.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Яқинда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида "Муносиб ҳаёт, обод турмуш тарзини тарғиб этишда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли вазифаларнинг жамиятимиз тарққиёти, ёшлар ҳаётининг муҳим аҳамиятини доимий тарғиб этиш, мажкур Дастурга мувофиқ амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг ижтимоий-маънавий мазмун-моҳияти ҳамда ёшларимизнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш истиқболлари каби мавзуларда атрофлича сўз юритилди. Конференция доирасида республика Маънавият тарғибот маркази фаолиятига оид, шу билан бирга, "Камолот" ЁИХ томонидан ёшларга бағишлаб тайёрланган видеороликлар намойиш этилди.

Шунингдек, талабаларнинг бадиий чиқишлари, мазкур институтда ясалган мусика асбоблари кўргазмаси ҳам анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнггида фаол иштирокчилар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

МАТОНАТ СОҲИБАСИ

Тақдир синовлари

Муносабат

...Институтни тугатиб, ўзининг ажойиб иқтидори билан эндигина эл оғзига туша бошлаган қиз ҳаётида қутилмаганда фоҳиа рўй берди: ишга шошиб бораётиб, автоуловга чиққанини эслайди, холос... Пешин маҳали Бешёғочдан кесиб ўтадиган зовур ёқалаб бораётган бир киши сувга туташ шох-шаббалар устида боши қонга беланиб, хушсиз ётган бир қизни кўриб қолади. Бу — Муқимий номидаги мусикали драма ва комедия театрининг хушовоз актрисаси, раққоса Жамила Ҳамидова эди...

Жамила опа ўша кунларни эсласа, ҳалиям йиғидан ўзини тўхтатолмайди. Яратганининг марҳамати, яхши инсонларнинг бегараз кўмаги туфайли ўз вақтида шифохонага етказилган Жамила оғир операцияни бошидан кечиради. Шифокорлар узоқ муддат бир жойда энти қолган санъаткорга аниқ театрда ижод қила олмаслигини айтишади. Бош миёдаги ўзгариш, кучли оғриқлар...

Вақт югюри. Ҳаёт бешафкат. Яшаш учун курашиш керак. Рухий тушунликдан чиқиш учун нимадир қилиш лозим. Йиллар давомида азоблардан қотиб қолган танани ўзига бўйсундириш учун Жамила опа бир вақтлар устозлари Тамирхоним, Мукаррама Турғунбоевалардан ўрганган рақс ҳаракатларини такрорлай бошлади. Кунлардан бир кун икки нафис ҳаракати аввалги ҳолатига қайтганини сезган раққоса тақдирнинг оғир синовлари ортда қолгани, эртанги кун учун курашиши шартлигини юракдан хис қилди.

Жамила Ҳамидова шу тариқа дардни енгиб борди. Кўп йиллар мактабгача таълим муассасасида мусика раҳбари бўлиб фаолият юритди.



Аёл қалбидаги ҳақиқий санъатда бўлган соғинч уни яна ижодга етаклади. Жамила опа 1999 йилдан бери пойтахтимиздаги Олмазор туман ижтимоий ўзаро ёрдам "Меҳрибонлик" ногиронлар жамияти аъзоси. Қадимий халқ кўшиқлари, урф-одат, маросимлари, анъаналари, лапарлари ҳамда рақсларини ёшларга ўргатишни ўзига мақсад қилган санъаткор ногиронлар жамияти ва шу туманда жойлашган маданият уйи қошида "Ҳилола" фольклор-этнографик рақс ансамблини ташкил қилди. Бу дастаннинг етти ёшдан ўн олти ёшгача 30 нафар аъзоси бўлиб, шундан 10 нафари имконияти чекланган ёшлардан иборат. Фидойи мураббий томонидан ҳозирда мажор фольклор жамоа ре-

пертуарига кўплаб халқ оғзани ижоди намуналари, мумтоз кўшиқ ва рақслар киритилди. Бу даста ҳар йили туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли маданий-оммавий тадбирларда фаол иштирок этибгина қолмай, телевидение орқали бериладиган маънавий-маърифий дастурларда ҳам мунтазам қатнашади.

Тиниб-тинчимас устоз "Ҳилола" рақс дастасидаги ҳар бир иштирокчи билан алоҳида шугулланади. Айниқса, кўнгли ўқсик, жисмида нуқсон бор қизларнинг рақс сирларини эгаллашлари мураббийдан кўпроқ масъулият талаб этади. Опанинг иш фаолияти билан яқиндан танишар эканман, унинг яна бир ютуғига гувоҳ бўлдим: Қашқадарёдан келган, қўлларидан ноқислиги бор опа-сингил Жамила опа ўргатган гимнастика машқлари туфайли ногиронлик асоратларидан батамом қутулибди.

Жамила Ҳамидова ўзи амалга оширган ишлари ҳақида гапиргиси келар-қолмайди. Бирок, маҳалла аҳли, туман ҳокимлиги ходимлари унинг матонатли хизматларини беҳад қадрлашади. Олтимиш уч ёшни қаршилаган шижоатли аёл тимсолида мунис она, моҳир мураббий сиймосини кўраимиз. У ҳали ҳам сахнада профессионал даражада рақс тушади. Халқ кўшиқларини маромига етказиб қуйлайди. Шоғирдларидан чиройли рақс ижросини яратиш учун соатлаб вақтини бахш этади. Унинг тақвимида дам олиш кунни деярли йўқ.

Нурбек КИДИРАЛИЕВ,
журналист.

ФАРЗАНДЛАРИ
СОҒЛОМ ЮРТ

Халқимизнинг ажойиб одатлари бор, қачон бўлма-син, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрасак, тани-сиҳатлик билан бирга бола-чақамизнинг соғлигини ҳам сўраймиз. Миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ифодаси бўлган бундай инсоний фазилат кўни-кўшнлар, маҳалла аҳлининг тотувлигида акс этади. Маҳаллаларнинг аҳил, ободлиги, оилалар саодати, мустаҳкамлиги жамият тараққиёти, юртимиз фаровонлигига хизмат қилишини бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз дилдан хис қилмоқда.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде бизнинг юртимиздаги каби соғлом авлод тарбиясига, унинг саломатлигига давлат сиёсати даражасида кенг эътибор берилмайди. Бу борада қилинган эзгу ишларимиз замирида Президентимизнинг "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", деган ҳикматли сўзларининг теран исботи мумассам. Шу маънода кириб келаётган 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда бу борадаги изчил ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган.

Истиқлол йилларида она ва бола саломатлиги йўлида олиб борилган ишлар натижасида ҳозирги кунда ирсий ва бошқа турдаги касалликлар бирмунча камайгани қувонarliдир. Мутахассисларимиз вилоятларда олиб борилаётган кенг қўламли тадбирлар, хусусан, скрининг марказларининг чекка қишлоқларда ҳам ташкил этилиши натижасида ҳомиладор аёллар соғлигини мустаҳкамлашга эришилаётганини фахрланиб таъкидлашмоқда. Шу билан бирга, эрта турмушга чиқиш, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларга барҳам берилётгани боис ҳам болаларда ирсий касалликлар билан туғилиш ҳолатлари кескин камайишига эришилмоқда.

Маълумки, соғлом бола тарбиясида маҳалла ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Эндиликда маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, хушёрлик ва огохлик муҳитини мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбиясидаги масъулияти янада ортди.

Оила тинч, фарзандлари соғлом ва баркамол бўлган юртда фаровонлик ҳукм суради. Шу маънода зиммамиздаги жиддий масъулиятни ҳис этган ҳолда, фарзандлар саломатлиги йўлида хисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини бир лаҳза бўлса-да, унутмаслигимиз лозим.

Донохон ИШОНОВА,
Шайхонтохур тумани 1-ДНИ қатта нотариуси.
Зулфия НИЗОМИДДИНОВА,
нотариус.
Ирода МУСТАФОЕВА,
нотариус.

ТАРБИЯНИНГ ТАЯНЧ
НУҚТАЛАРИВА... ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ
"ҚЎЛБОЛА" ҚОЛИПЛАРИ

ган фарб дунёсида бу борадаги мезонлар буткул бошқачарок. Ҳозирги кунда бу ўлкалардаги айрим тарғиботчилар "оммавий маданият"нинг турли кўринишларини, айниқса, ёшлар онг-шуурига сингдиришга тинимсиз ҳаракат қилмоқдалар.

Аждодлари дунё илму маданиятининг тамал тошини қўйган юрт ворисларимиз. Эндиликда "қўлбола" маданиятлар олиб киришга бўлган бундай уришларнинг маъно-мақсадларини нафақат катталар, балки ёшларимиз ҳам англаб етаяпти, уларнинг аксарияти ўз миллий қадриятларимизнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини чуқур тушунишмоқда.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган қадриятлари, миллий анъаналари бор. Бу эса миллатнинг чинакам маънавий бойлигидир. Сўнмас маънавий меросларимиз бебаҳо бойлик сифатида миллат ҳаётида яшаш учун уларни асраб-авайлаш, муҳофазалашга эҳтиёж сезилади. Бизнингча, бу ҳимоя — таъ-

лим-тарбиядир ва у ҳар биримизнинг ҳаётига сингиб бориши лозим.

Хусусан, ёшларимиз аждодларимиз даҳоси билан яратилган илм-тафаккур намуналарини ўзлаштира бори, аввало, юксак инсоний фазилатларни ўрганадилар, шу билан бирга, миллатлараро тотувлик, бағри-кенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини англайдилар. Шу маънода мумтоз адабиётимиз жавоҳирлари замиридаги эзгу ғояларни янада кенг тарғиб этишимиз тарбиявий ишларимизда ижобий самара беради.

Шарқ мумтоз адабиёти тарихига назар ташлаган киши бир ҳақиқатни теран хис этади, яъни шарқ адабиёти бир пайтнинг ўзиде дунёнинг ўнлаб илмларини қамраб олган қомусий адабиётдир. Зеро, унда фалсафий саволларнинг жавобларини ҳам, астрономия, геометрия, математика сингари аниқ фанларга доир билимларни ҳам учратиш мумкин. Шу билан бирга, шарқ мумтоз адабиёти диний ва дунёвий илмларнинг гўзал бирли-

гини ҳосил этган.

Маълумки, немис адабиётининг буюк намоёниси, мутафаккир шоир Гёте шарқ мумтоз адабиётининг забардаст вакиллари билан бўлган Ҳофиз Шерозий ижодида кучли муҳаббат билан қараган. Гётеннинг "Фарбу шарқ девони" ҳам, аслида, унинг шарқ дунёсига, шарқ мумтоз адабиётига бўлган меҳрининг яққол акс эттиради. Қизиги шундаки, бу китобдаги шеърлар "Зулайхонома", "Муғаннийнома", "Ҳофизнома" сингари шарқона номлар билан аталган. Фарб адабиётининг ана шундай энг сара асарлари ҳам шарқ адабиёти ва фалсафаси таъсирида дунёга келган.

Улуғ алломаларимиз асарларини ўқиб эканмиз, бундай мутолаа инсонни мушоҳадага ундайди, дунё ва инсон ҳаёти ҳақида ўйлашга, инсонга муносиб тарзда яшашга ўргатади. Демак, кимлардир "оммавий маданият" қолипларида ўргатишга уринаётган яшил тарзи, фўқлаш тарзининг маънавий оқибатларини олдиндан тушунишимизда эқиндан ёрдам беради. Масалан, бизнинг маҳалламизда маънавий-ахлоқий тарбия юзасидан олиб борилаётган тадбирларда маънавий меросимизнинг ана шундай эзгу хусусиятларига ибрат назари билан ёндашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умидахон ОХУНОВА,
Наманган шаҳар "Ҳақиқат"
маҳалла фуқаролар йиғини
маслаҳатчиси.

Фарзанднинг келажакдаги бахт-саодати учун зарур бўлган амаллардан бири бешикдаги болага маъноли алла айтишдир, дейишади. Ҳали бу тириклик дунёсининг бирор синоатини идрок эта олмаган гўдак руҳиятига нечун алла бу қадар таъсир қиларкин, дейсиз беихтиёр. Тажрибалар шуни кўрсатадики, онанинг мунгли ноласи ва бешикнинг бир маромда тебраниши, миттигина вужудга ўзгача ором бахш этади. Онанинг меҳру муҳаббати билан йўрилган ҳаётбахш нолалари бола қалбига оқиб киради. Унинг мурғак юрагида аста-секин ажиб бир кечинмалар шакллана боради. Бу кечинмалар қалбни яхшиликка йўналтиради. У гапира олмаса ҳам қалбига сингиб бораётган ўша аллаларнинг ёруғ изи боланинг онгида ўрнашиб қолади. Ана шундай яхшиликка мойил бўлиб ўсган бола ҳаётида таълим-тарбиянинг кейинги босқичлари ҳам ижобий тарзда ва осон кечади.

Табиийки, йиллар ўтиши билан бола онгидаги тушунчаларнинг ҳам қўламини кенгайиб боради. У улгайгани сари эл-юрт, миллат ва Ватан тушунчаларини англаши ва идрок этишида алла уйғотган туйғулар ёрдам беради. Бу эса фарзанд тарбиясидаги отабобларимизнинг миллий маданияти, таъриби.

Албатта, бугун ўзига хос маданияти, техника ва илм-фан оламида эришган ютуқларини кўз-кўз қилаёт-

Таҳририятга келган хатдан парча:

"Мен яқин йигирма йилдан бери аёлим билан бирга Ургут бозорида қовун-тарвуз сотаман. Шу йилнинг 15 октябр кунни Мирзаобод туманидаги Абдалин қовун бозоридан маҳсулот олаётсам, бир киши келиб, қуюқ сўрашгач, ўзини Самадов Абдусамат, адвокатман, асли ургутликман, хизмат юзасидан Хоразмда ишляпман, деб таништирди. У машинаси бузилиб қолганини, бир-икки кунга юз минг сўм қарз бериб туришини илтимос қилди. Қарасам, туппа-тузук кийинган, гап-сўзлариям самимий. Ёнимдаги бир таниш деҳқондан ўзимга деб қарз олиб бериб юбордим. Уша кунни кечкурун қайтиб келиб, икки кеча бизникида меҳмон бўлди. Эрталаб белидаги қайишини менга бериб қучоқлашиб хайрлашди-да, энди сиз билан қиёматли ака-ука бўлиб қоламиз, деб сўз берди. Машинаси соз бўлгач, хайрлашаётганида, соддаманда, раҳмим келиб, «Хоразмгача пулингиз етмасов», деб яна эллик минг сўм тутқаздим. У икки-уч кун ичида олган пулларини юборишини айтиб жўнаб кетди. Шу орада бир неча марта кўнгирок қилиб, тўй қилаётганимни эшитувди, совға-саломлар билан келишини айтиб ишонтирди ва октябрнинг охирларида телефонини умуман ўчириб ташлади. Мана, сал кам икки ойки, ваъдабоз "дўст"дан дарак йўқ.

Абдушукур Кўзиев, пенсионер. Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани»

Қизик, бу воқеани ўқиганлар ҳам, эшитганлар ҳам даярли ажабланмайди. Нега? Чунки биз азалдан меҳр-муруватли, меҳмондўст, бағрикенг халқимиз. Ўзимиз кимнингдир кўмагига муҳтож бўлиб турсак-да, лекин кўли очиклик қиламиз, танишми-бегонами, каттами-кичикми, барибир, беиннат ёрдамимизни аямаймиз. Ва... баъзида кўрсатган арзимас (аслида, арзирли!) ҳимматимизга яраша раҳмат эшитмасак ҳам ҳеч қачон нолимаймиз. Бу улугъ фазилат, дунё кўрган кексалар таъбири билан айтганда, "қон билан кирган". Бирок...

Тўғри, Абдушукур ака қуйиниб ёзган воқеага ўхшаш ҳолатлар ҳаётда кўп кузатилади. Айниқса, кейинги пайтларда "саховатталаблик" никоби остида шундай кўнгилсиз ҳоллар учраяптики, уларни эшитиб ёқа ушлайсиз.

"Илтимос, болам оғир касалликка чалинган, ўзим етимман, озгина маблағ бериб туринг, бир ҳафтада қайтараман", "Кеча Тошкентга таъзияга келаётиб, поездда

пулимни ўғирлашиб қўйдим, энди қайтиб кетолмайман, имкони борича ёрдам беринг", "Бошимга ташвиш тушиб қолди, тилхат билан паспортимни бераман, фоизга бўлсаям пул топиб беринг"...

Бу каби тўқилган ва тўқилмаган гап-сўзларни эшитавериб, қулоқларимиз кўникиб кетди. Орадан эса кўп ҳам вақт ўтмайди, эшитиб қола-сиз: "Э, ҳалиги одамга ёрдам қилувдим, лўттибоз, ёлгончи экан, пулимга қўйдим, энди қайтармаяпти" ёки "Ўзини ногиронман деб, кўпларнинг раҳмини келтириб юрган кимса аслида соппа-соғ экан"...

"Хар бир

рор хизмат лозим бўлса, бе-малол мурожаат этинг, деб телефон рақамини ҳам ёзиб узатди. Жиззахга кирверишда Қаршига деб чиққан шеригимиз ким биландир телефонда гаплашгач, ярим йўлда шоша-пиша бизлар билан хайрлашиб, ҳайдовчини ёнига имлаб чақирди ва "Ака, мабодо йўл-пўлда бирортаси тўхтатса ёки нотўғри хатти-ҳаракат қилса, бе-малол менга телефон қилинг, ўзим гаплашаман!" дёя тушиб қолди. Қайфиятсиз қайтиб келган ҳайдовчидан "Йўл

ЯХШИЛИК УНУТИЛАДИ, ЁМОНЛИК-ЧИ?



ҳақини бердими?", деб сўрасам, «Ўзи индамади-ку, қандай сўрайман ака, туппа-тузук аёлга ўхшайди, яна журналистман, деяпти, уялдим», деди.

Бар и-шшилиқ садақадир", дейилади муборак ҳадисларда. Хўш, сизу бизнинг саховатпешалигимиз, меҳр-муруватимизни суиистеъмоқ қилишсачи, раҳмат ўрнига тухмат-таъна эшитсак, қандай ахволга тушамиз? Рост, орамизда камдан-кам одамгина кўрсатган эзгу амали учун жавоб кутади, аксариятимиз бундай савобдан бебаҳра қолмаслигимизни англаганимиз боис унуттишга ҳаракат қиламиз. Яхшилиқ унутилади, деймиз, лекин ёмонлик-чи? Нега айрим худбин, нафс бандалари савобли ишларни инсонийлик вазифаси деб билганларнинг ишончини оқлаш ўрнига, аксинча, уларни алдаб, қандай бўлмасин, чув туширишга уринишади?

Козим аканинг ҳикояси:

— Ўн кунча аввал Тошкентдан Қаршига жазо муддатини ўтаётган ўғлимни кўриб келиш учун йўловчи таксида жўнадим. Ҳамроҳларим — орқа ўриндикда уч аёл ва олдинда мен кетаяпмиз. Хайдовчи билан яқиндан танишиб, нима учун сафарга чиқганимни айтдим. Бироздан сўнг орқадаги ўттиз ёшлардаги аёл ўзини журналистман, телевидениеда ишлайман, деб таништирди. Гурунгимиз кизиди. Мавлудахон гап орасида унча-мунча кишиларга ҳуқуқий муаммоларини ҳал этишда ёрдам берганлигини ҳам қўшиб қўйди. Ҳатто би-

Долзарб мавзу

ча, шахсини тасдиқловчи бирон-бир ҳужжатини сўрашга ботина олмаётганини қандай изоҳлайсиз?

Эслайлик, товламачиликни "касб" қилиб юрган каззоблар хусусида Ўзбекистон телевидениесида бир неча марта жиддий мавзуда таҳлилий кўрсатувлар берилди, қанчаси ўз қилмишига яраша жазолар олди. Наҳотки, бундай фибрибгарлар ҳамон ишонувчан, соддадил одамларни алдаб юрган бўлса?!

Яна сирдарёлик Абдушукур аканинг мактубига қайтамыз.

"Ўйламанг, мен бир ҳожатманд деб ўйлаган одамнинг қўлига тутқазган юз эллик минг сўм пулим ёки ортида кечган икки кунлик вақтимга ачинаётганим йўқ. Чунки бундай лафзи ҳаром кимсалар исталган ҳудудда топилади ва бир кунмас-бир кун Оллоҳнинг жазосига гирифторм бўлади. Мен бунга чин дилдан ишонаман. Лекин, мен бу хатти ўзларини бечора, ёрдамга муҳтож, ожиз кўрсатишга устаси фаранг бўлиб кетган бундай сурбет, беор касларнинг номаъқул хатти-ҳаракатлари бошқаларга сабоқ бўлсин, деган ниятда ёздим. Бизнинг чин юракдан қилган арзиманган яхшилигимиз бир кун келиб, ўзимизга афсус ёки на-домат эмас, балки хайрли амаллар бўлиб қайтишини истаётман!"

Бошқа изоҳга эса ҳожат йўқ.

Норқобил ЖАЛИЛ

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА: ГАЗЕТАМИЗНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ МУҲБИРИ ШАҲЛО ТОШБЕКОВА Кўнгирок қилиб,

"Қуни кеча менга Уйчи туманидаги мактаблардан бирининг директори мурожаат этиб, "Оила ва жамият"да Муроджон деган йигит ишлайдими, кеча мактабимиз ҳақида мақола ёзмакчи эканлигини айтиб келувди, ҳужжати сўрасам, шошиб гувоҳномасини кўрсатди-да, шартта ёпиб қўйди, ўқишга улгурмадим. Кейин мендан пул сўради", деб қолди. Мен у кишига бундай муҳбир умуман бизнинг таҳририятда ишламаслигини ва бундан бир неча ой аввал ҳам худди ана шу кимса Наманган шаҳри ва туманида ишлайдиган нотариус (!) ҳамда маслаҳатчи аёлини чув тушириб кетганини эшитувдим. Мени ҳайрон қолдирган нарсаси, Муроджон деган сохта "муҳбир"нинг ёлгон "тўри"га ил-наётганларнинг аксарияти зиёлилар эканлигидир. Наҳотки, бу товламачининг кирдорларини очиб шу даражада қийин бўлса?!



МУЛОЗИМ

— тилимиз мартабали тарихида тартибали амалдорлар ҳузурда мунтазам хизматда бўладиган кишига нисбатан "мулозим" сўзи қўлланилган. Бу сўзнинг туб илдизи "зарурий", "ажралмас" каби маъноларни англатади. Тилимизда фаол ишлатиладиган "лавозим", "мулозамат" сўзларининг туб маъноси ҳам худди шу — "зарурий", "ажралмас" деган маънодан келиб чиққан.

— Қозихонадан бир мулозим келибдир. Полвонда ишим бор дейди, — деб дахлиздан кирган бола Ўрмон полвоннинг сўзини кесди.

Садриддин Айний

САВОБ — бу сўзнинг туб илдизи "мукофотлади", "тақдирлади" маъноларини англатади. Тақдирлашга лойиқ яхши хайрли ва эзгу ишларга нисбатан тилимизда "са-воб" сўзи қўлланилади.

Дўстларим, қилманглар бағримни кабоб, Фарибнинг кўнглини овламоқ — савоб. Эргаш Жуманбулбул

ТЎЗИМ — тилимизда бу сўз "чидам", "бардош" маъносини англатади. "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да изоҳла-нишича, қадимги тили-мизда "бардошли", "улуғвор" мазмунини ифодалаган "тўзун" деган сифат бўлган. Қадим-да "тўз" феъли тилимиз-да мавжуд бўлиб, у "чидам", "бардош бер" деган маънога эга бўлган.

Охирига қадар кутишга қуч ва тўзим сезмади ўзида.

Ойбек

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАР

Мақтабгача таълим муассасаларининг фахрига айланган

Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб камол топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишда, айти пайтда, мақтабгача таълим муассасаларининг аҳамияти катта.

тайёрлаш ҳам мазкур муассаса олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Нина Мун қарийб ўттиз йилдан буён Нукус шаҳридаги ўзи фаоли-

Қорақалтоқ томонларда



ят юритиб келаётган 35-сонли «Табассум» номли боғчани нафақат туман, балки республикадаги энг номдор муассасалардан бирига айлантириш учун у бор билимини, тажрибасини, кўйингичи билан биргаликда ўғиллари ва бир кучоқ набиралари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Шунга қарамай, ғайрати ичига сифмаган тарбиячи опа хануз сеvimли ишини давом эттириб, умрининг асосий қисми кечган масканда шириндан шаклар болажонларни тарбиялаб келмоқда.

— Фарзанд оила қувончи, бойлиги, ота-она суянчи, — дейди қирқ йилдан буён МТМ мудираси нукуслик Мун Нина Иннокентевна. — Болаларнинг етук шахс бўлиб вояга етишида нафақат оила, балки, ён атрофдагилар, айниқса, боғчанинг ўрни беқийсдир. Эътибор берадиган бўлсак, бир хил ёшдаги мақтабгача таълим муассасасига борадиган ва уйда тарбия кўрадиган болалар орасида катта тафовут сезилади. МТМда тарбияланувчи бола атрофдаги тенгдошлари билан суҳбатлашади, ўйнайди, фикр алмашади. Қолаверса, бунинг натижасида бола жамиятда одамларга қўшилишни ўрганади. Уйда вояга етаётган бола эса бунинг тамоман акси. Одамови, жиззақи, атрофдагилардан бегонасираб ўзини олиб қочади. Шу маънода МТМлар фарзандларимиз учун таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади. Бу масканда болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш, бола шахси асосларини шакллантириш, унинг интеллектуал, жисмоний ривожланишини таъминлаш каби риволуция амалга оширилади. Шунингдек, болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш ҳамда уларни мақтабга ўқишга

ваимида у кўплаб фан тўғарақлари ташкил қилди, ёшларни ватанпарвар, одоб-ахлоқли ва етук шахс қилиб тарбиялаш йўлида турли кечалар уюштирди. Жумладан, ўқувчилар ўртасида «Наврўз — баҳор байрами», «Балли, қизлар», «Ажойиботлар майдони» ва бошқа шу каби танловлар ўтказишга бошқош бўлди. Сариеба опанинг фидойи меҳнатлари натижасида мақтаб ўқувчилари кўрик-танловларнинг туман босқичида голибликни, Республика босқичларида эса юқори ўринларни қўлга киритишди. Қарийб ўн йил мобайнида мақтабда фаолият юритган моҳир педагог 1998 йилдан тумандаги 11-сонли мақтабгача таълим муассасасида раҳбар сифатида иш бошлади. Опа бу ерда ҳам мақтабдаги тажрибаларини ишга солди. Бунинг натижасида мазкур таълим муассасаси ўнлаб танловлар голиби бўлиб, туман ва республикадаги энг илғор боғчалардан бирига айланди.

Айни пайтда Сариеба опа турмуш ўртоғининг энг яқин маслаҳатгўйи. Унинг умр йўлдоши Жалғас ака «Талъат Эрназаров» номли фермер хўжалигини бошқариб келмоқда.

— Педагогик энг завқли ва шу билан бирга ниҳоятда масъулиятли касб, — дейди Сариеба опа. — Бир қарашда болалар билан ишлаш жуда осондай туюлади. Лекин, аслида, ҳар бир боланинг дунёқараши, фикрлаш доираси ва кўнгил олами ўзига хос. Улар билан ишлашда ана шунини ҳисобга олиш муҳим. Бунинг учун педагогнинг билими, тажрибаси, маҳорати бўлиши билан бирга, учинчи кўзи ҳам бўлиши керак. Чунки у болалардаги бошқалар кўра олмайдиган жиҳатларни илғаб, уларга таълим беришда худди шу жиҳатларга эътибор қаратиши лозим.

Айни пайтда Сариеба опа турмуш ўртоғининг энг яқин маслаҳатгўйи. Унинг умр йўлдоши Жалғас ака «Талъат Эрназаров» номли фермер хўжалигини бошқариб келмоқда.

Айни пайтда Сариеба опа турмуш ўртоғининг энг яқин маслаҳатгўйи. Унинг умр йўлдоши Жалғас ака «Талъат Эрназаров» номли фермер хўжалигини бошқариб келмоқда.

Авезжон БЕКМУРОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.

ЯНГИ ЙИЛ ШОВ-ШУВЛАРИ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...



Янги йил ўзига хос, бетакрор хурсандчиликлар билан ҳар йилда бир мартаба келадиган байрамдир. Бу байрамни куй-қўшиқларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар йили дунё бўйлаб янги йилга бағишлаб ижро этиладиган кўплаб янги қўшиқлар сотилади. Аммо улар орасидан ҳеч бири 1942 йил Бинг Кросби томонидан куйланган «Ёруғ Янги йил» қўшиғичали оммалашмаган. Кўшиқ 50 миллион нусхада бутун жаҳонга сотилган. «Ёруғ Янги йил» ҳозирда ҳам энг севиб тингладиган таронадир.

Янги йилда миллионлаб кишилар табрикнома жўнатиб, ўз яқинларига тиллақлар билдиришни одат қилишган.



Янги йилнинг «Энг қиммат табрикнома»си 2001 йил Британиянинг Девайс шаҳарчасидаги аукционда 20,000 АҚШ доллариға сотилган. Табрикнома рассом Жон Калкот томонидан қўлда қизилган бўлиб, уни 1843 йил Хенри Кол онасига жўнатган экан.



Бу улкан безакни арча дарахтига илшини иложи топилмади. Сабаби, фаришта тимсолидаги бу улкан безакнинг баландлиги 5,57 метрни ташкил қилди. Ушбу хайкал 2000 йил январида Мексиканинг Алфонсо Рейс шоҳ кўчасида маҳаллий ишқибозлар томонидан 2946 дона пиво идишларидан қурилган.

Янги йилнинг энг улкан печеньесини жойидан қўзғатиш учун неча нафар одам керак бўлди деб ўйлайсиз? Энг камида 20 киши! 1998 йил 16 декабрида Австралиянинг Сидней шаҳрида тайёрланган печеньенинг ҳайбати кўпчилик томошабинларни ҳаяжонга солган. Бу ширинликнинг узунлиги 55,45 метр ҳамда бўйи 3,6 метрни ташкил қилди.



Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирнок, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корей тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчок тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона, МУЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

Бирон хатога йўл қўйган киши узр сўрагани дуруст. Ахир Одам ҳам узр сўраганлигидан бир натижага етишган.

Ҳар қанча яхшилик кўрсатилганда ҳам, душман қўлидан душманликдан бўлак иш келмайди.

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

Ободлик кўнгулдан бошланади

Жиззах шаҳридаги «Ёшлик» маҳалласида 32-сонли «Камалак» мактабгача таълим муассасаси бор. Умумий майдони 1 гектардан иборат бўлган ушбу даргоҳ кўпроқ санаторийга ўхшаб кетади. Чунки худуддаги 3 минг тубдан иборат мевали ва манзарали дарахтлар муассасага ўзгача зийнат бериб турадики, бундан бу ерга келган ҳар бир инсоннинг бахри-дили очилади. 220 нафар кичкинтойларни бағрига олган ушбу масканда тажрибали мураббий Раъно Холиқова 22 нафар педагог ходимларни ўз оила аъзосидай кўриб, 1990 йилдан бери шу даргоҳга раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу маскандаги озодлик, саранжом-саришталик кўплар учун ўрнак бўлишга арзийди.

— Болалигимдан бошлаб гулларни, яшилликни яхши кўраман, — дейди суҳбатдошимиз. — Қаерга бормай, албатта, бирорта гулнинг шохчасини ёки уругини олиб келиб боғчамизга экаман. Ҳар бир дарахтни ниҳоллигидан парвариш қилганим учун ўз фарзандимдай бўлиб қолган. Дарахт бор жойда соя-салқин бўлади. Одамлар дам олади. Ўзбекнинг оддий бир аёли бўлсам-да, ортимдан гуркираган боғлар қолишини истайман. Шу билан бирга табиат билан яқинликни ҳис этиб ўсган боланинг кўнгли ҳам кенг бўлади. Бугунги болаларнинг савияси жуда баланд. Уларнинг саволларига жавоб бера олиш учун эса тарбиячи кўпроқ билимга эга бўлиши керак. Ота-оналар болаларга қимматбахо кийим-кечаклардан кўра, уларнинг истеъдодини ривожлантиришга, фикрлаш қобилиятини ўстиришга, кўл ҳаракатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган ўйинчоқлар олиб беришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Боғча болаларни жамиятга аралашиб, одамлар билан муомала муносабатини шакллантириб берадиган маскан ҳисобланади. Ўз тажрибамдан шуни кузатганманки, боғчага борган бола билан бормаган боланинг фарқи катта. Бири жуда фаол бўлса, иккинчиси тортинчоқ ва пассив бўлади.

Раъно опа ёзув-чизувдан, ташкилий ишлардан бўшаса, кўлига тоқчайчини олиб, боғча ҳовлисидан ўзига юмуш топиб олади. Уни кўриб ходимлари ҳам ёрдамга келишади. Кўни-

қўшнилари «Раҳбар аёлгайм ўхшамайсиз, жуда оддий юрасиз», деб ёзғириб ҳам қолишади баъзан. Бу ердаги гўзаллик ва ободончиликни кўрган ҳамкасблари ҳазиллашиб, «Раънохон, сизни бемалол «Камалак»нинг саккизинчи ранги десак арзийди», дейишади.

— Қандай ҳаёт кечириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, — дейди Раъно опа. — Халқимизнинг «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган яхши гапи бор. 56 ёшга кирган бўлсам, бирор марта ўз ҳаётимдан нолимадим. Чунки, бирор куним бекорчиликда ўтмади. Мураббийликдан ташқари вилоятда бўладиган ободончилик ишларига ҳам кўмаклашамиз. 2009 йилда ҳовлимизда иссиқхона қуриб, полиз маҳсулотлари етиштира бошладик. Ҳозир эса 35-40 туп лимонимиз бор. Бу йилдан ҳосилга кирди. Кечки бодринг, кўкатлар экамиз. Эрта азонлаб томорқага қараймиз. Кейин ҳамма ўз ишига ке-

тади. Юртимизда ким тadbиркор бўлса, ҳалол меҳнат қилса, яхши яшайпти. Зеро, ишлайман, ўз меҳнатим билан ризқ топаман, деганга кенг йўл очилган. Бўш томорқадан унумли фойдаланаётганимиз турмушимизнинг янада обод бўлишига ёрдам бераёпти. Водий томонларга бориб, улардан экин экиш сирларини ўрганиб келдим. Меҳнат қилсак, ўзимиз яхши яшаймиз.

Турмуш ўртоғим Сорабек Муҳаммадов билан оила курганимизга 36 йил бўлди. Ҳамма оиладагидек, бизнинг турмушимизда ҳам баланд-пастликлар бўлган. Аммо, ҳеч қачон уйга аразлаб кетмаганман. Чунки, у пайтларда келиннинг ўз уйига аразлаб келиши қаттиқ уят ҳисобланган. «Чиққан киз чигирикдан ташқари» деган гапга амал қилинарди. Келин бўлган киз отамни, акаларимни хижолатга қўймай, деб ақл билан иш юритар, турмушнинг муштларига чидарди. Ҳозирги ёшлар учун сеплару сарполар ҳаддан ташқари кўп. Ҳамма нарса муҳайё бўлса, улар яна нега ажрашади, деган савол тинчлик бермайди менга.

Келинлигимда қайсингиларим билан дугонадай эдим. Қайнотам оламдан кўз юмгач, турмуш ўртоғим билан биргаликда қайнукаларимнинг барини ўқитдик. Хоризгача улар биздан бемаслаҳат иш қилишмайди. 83 ёшли қайнонам Мақсадов она: «Мендан кейин фарзандларимни сенга ишонаман», дейди. Ҳаётдан олган хулосам шулки, инсоннинг бахтли яшашини учун олтин-қумушнинг кераги йўқ экан. Муҳими, тинчлик-хотиржамлик экан.

Ҳозирда 8 неваранинг бувисиман. Икки қизим: Моҳирахон ва Зиёдахон ўз оиласини гуллаб-ўтирибди. Катта келиним 39-«Наврўз» номли боғча-мактабда директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Кичик келиним 5-санаторий боғчада дефектолог-логопед. Невараларим Шаҳризабону 10-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси. Шаҳнозахон боғча тарбияланувчиси. Оиламиз билан ватан равнақи йўлида хизмат қилаётганимиздан фахрланаман!

Назира БОЙМУРОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Жиззах вилояти.

“КАМАЛАК”НИНГ САККИЗИНЧИ РАНГИ



Бу қизиқ!

Озишни истаганларга — оқ тарелкалар

Америкалик тадқиқотчилар озишни истаганларга ёрқин рангли тарелкалардан фойдаланишни маслаҳат беришмоқда. Бундай хулосага келишдан аввал улар тажриба ўтказишди. Синовадигиларнинг биринчи гуруҳига оқ тарелкалар берилди,



иккинчи гуруҳ эса ўз ихтиёрларига кўра овқатларини яшил ва қизил тарелкаларда ейишни хоҳлашди. Кўнгиллилар оқ тарелкага солинган овқатларни бошқа синов гуруҳидигиларга қараганда 30 фоиз камроқ истеъмол қилишди. Шунга кўра, олимлар озишни истаганларга очиқ рангдаги идишларни тавсия этишмоқда.

Болаларга Янги йил совғаси

Янги йилни болажонлар совғасиз тасаввур қила олмайди. Совганинг асосий қисми, албатта, ширинликлардан иборат бўлади. Соғлом болага ширинлик, айниқса, шоколад ва конфет ейишни тақиқлаш нотўғри — бу боланинг руҳиятини синдириб қўяди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ширинликлар болажонлардаги орзулар миқдорини янада оширади. Ал-ва ош-касалликларига чалинмаган, ортиқча вазнга эга бўлмаган бола кунига 2-3 дона шоколад еса, бу ҳеч қандай муаммо келтириб чиқармайди. Аммо шуни унутмангки, конфет ва шоколадлар овқат эмас, шунчаки десерт. Улар тиш оғригини келтириб чиқариши мумкин. Шундай экан, янги йилда болаларга оз миқдордаги шоколад билан бирга антиқа ўйинчоқ совға қилган афзал.

Интернет материаллари
асосида ЗАРИНА тайёрлади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Муҳтарам келинимиз Шаҳнозахон ҳамда кўзимизнинг оқу қоралари бўлган невараларимиз Фарзона-бегим ва Абдуллоҳларнинг таваллуд кунлари билан уларни чин дилдан табриклаймиз! Сизларга узок умр, сийҳат-саломатлик ва хамиша Яратганинг марҳаматига сазовор бўлмоқлик бахти насиб этишини тилаймиз. Самимий эҳтиром билан **Назира ва Зойир ЖўРАЕВлар** оиласи.

БУГУН КЕЛАР КУНИНГИЗ

Меҳр қолур...

Бугун келар кунингиз. Сизни интиқ кутяпмиз. Киз бола палахмон тоши экан. Қаёққа отилса, ўша жойни гулу районга буркар экан. Сиз ҳам ана шундай бахт қасрининг бекасисиз. Бу мартабага эришгунча сув келса симирдингиз, тошни-да кемирдингиз. Рўзгорнинг юки нозик елкангиздан босди, уни мардона кўтардингиз.

Бугун келар кунингиз. Онам кўчага кўз тикади. Узокроқ келмай кетсангиз ҳаммамизнинг хаёлимиздан минг хил ўй-хаёл кечади. Саломатмикан, болалари тинчмикан? Бирор нарса бўлдиммикан? Қалбимга ташвиш кўнса, сизга кўнгироқ қиламан. Таскин берасиз. Кўнглим нурга тўлади. Аламлардан ичим ёнганда ёнингизга боргим келади. Ҳамма аъзобимга чора топасиз.

Ўғил-қизларингиз ҳам худди сиздай. Кулиб туради. Улар дарвозадан киргани ҳамон уйимиз нурга тўлади. Музлаган юракларнида эритиб юборишади.

Бугун келар кунингиз. Отам билдирмасликка ҳарчанд уринмасинлар икки кўзлари кўча эшиқда. Тиқ этган товудан сергаланиб у томонга боқадилар. Чўнтақларидаги қанд-курсларни айтмасизми. Ҳаммаси эркатойларингизга. Омбор шифтида бир чойнак илиниб турарди,

эсласангиз. Биров эътибор қилмас экан. Бир кун кириб қолсам, ундаги тухумларни кўриб хайрон қолдим. Отам бечора уни ҳам сизларга асраб турибдилар.

Бугун келар кунингиз. Онам эрта тонгдан хамир қориб, нон ёпган. Боғдаги меваларнинг сараси сиз учун узилди. Узок йўлдан ҳориб келишади, деб онам қозонга суюқ овқат солиб қўйганлар. Кўшниларга ҳам эрта тонгдан суюнчилаб чиқдилар. «Қизим, болалари билан келади» деб. Уй юмушларини бажараялману хаёлим сизда. Тезроқ вақт ўтса, сизни бағримга боссам. Ширинтойларингизга атаганларимни бир-бир кўздан кечираман. Хаёлан уларнинг қувончига шерик бўламан. Пишир-қуйдир дейсизми, саранжом-саршталикми, ҳаммасини сиздан ўрандим. Сабрсизлигим панд берганида сабрингиздан ибрат топдим.

Бугун келар кунингиз. Ногоҳ юрагим ҳаприқиб ура бошлади. Дарвоза тарафга ўгирилдим. Остонада сиз кулиб турардингиз мунисим, меҳрибоним опаюно!..


Зилола МАМАТОВА,
Наманган вилояти.



“ГАЗЕТА” ХИЗМАТКОР БОЛА ДЕГАНИМИ?

Хозирги кунда газеталарнинг аборот бозоридаги ўрни сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Аммо газета тушунчаси қачон ва қаерда пайдо бўлган? Бу ҳақда кўпчилик қисман маълумотга эга, албатта. Шундай бўлса-да, бу гал сизга ушбу беминнат маънавий ва маданий ҳамроҳнинг мухтасар тарихи ҳамда у билан боғлиқ қизиқарли далилларни келтирмоқчимиз.

Кўпчилик қизиқиб ўқийдиган газетанинг ибтидоий ёзма тури мелоддан аввалги биринчи асрда Қадимги Римда пайдо бўлган.



Унинг бундай номланишига Қадимги Венецияда ёзма ахборотномалар учун «gazetta» деган чақа пули олинганлиги сабаб бўлган. Кейинчалик эса бундай ахборотномалар ушбу ном, яъни “газетта” атамаси остида бутун дунёга тарқалган. Рим империясида чиқадиган газеталар маҳаллий аҳоли ҳамда барча овоз Рим фуқароларини саройда ва сенатда содир бўлаётган воқеалар билан мунтазам таништириб борган. Шу билан бирга ибтидоий турдаги рекламалар ҳам газета саҳифаларидан жой олган. Рекламалар асосан гладиатор жангининг қачон бўлиши ҳақида эди. Бироқ айрим тарихчиларнинг маълумотларига кўра, газета шаклидаги ёзма ахборотномалар Римдан ҳам аввал Хитойда чиқарилган, деб ҳисоблайдилар.



Яна бир қизиқарли маълумот: Европадаги бойларнинг ҳар бир хонадонидеда чаққон ва акли болалардан хизматкор сифатида фойдаланишган. Бу болалар хизматкор аталсалар-да, уйдаги ҳеч бир ишни бажармаганлар. Аксинча, кўчадан фақат янгиликларни билиб келганлар, холос. Қарангки, ана шу юмушга йўналтирилган хизматкор болаларни ҳам ўша вақтда “Газеттес” (Gazettes) деб аташган экан.

Кейинчалик, яъни XVII асрда парижлик доктор Рендо шу ном асосида янгилик тарқатувчи босма нашрни йўлга қўйган. Газетанинг асл тарихи ҳақидаги баҳслашувлар ҳали ҳам содир бўлиб туради. Қолаверса, “газета”ни аслида хизматкор болаларнинг номи деб ҳисоблайдиган олимлар ҳозир ҳам йўқ эмас.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

“МЕНИМАС, ЎЗИНИ АЛДАДИ”

— Мен жаззалик Абдулла отаман. Ёшим 60 да. “Бахтли бўлинг” рукнига мурожаат қилган сирдарёлик 53 ёшли Меҳринисо исмли аёлнинг манзилини олудим. Сирдарёга бориб, уларнинг оилавий шароити билан танишдим. Бир-биримизга мақул бўлгач, ноябрь ойида турмуш қурдик. Уйимда барча шароитлар яратилган. Келиним билан бир ҳовлида яшасак-да, аммо ўзим учун алоҳида хона ажратиб беришган. Меҳринисо келгач, уйимга файз кириб, ёлғизлигим сезилмай қолди. Аммо орадан ўн беш кун ўтгач, тўсатдан у мен билан яшаш фикридан айниб қолди. Сабабини сўрасам, “Фарзандларим уйга қайтинг, дейишпти. Уларсиз яшолмас эканман”, деб баҳона қилди. Назаримда, унинг ҳаётида қандайдир сир бордек. Тахририят ходимлари турмуш қуришдан олдин яхшилаб суриштиришимни айтишганди. Шошқалоқлигим панд берди.

Абдулла отанинг илтимоси билан Сирдарёга кўнгирак қилиб, Меҳринисо опа билан боғланиб, қўтилмаган қарори ҳақида сўрасак, “Уэр, бу масалада шошибман. Собик турмуш ўртоғимга усиз ҳам яшай олишим мумкинлигини исботлаб қўймоқчи эдим. Хато қилганимни энди тушундим”, деган мужмал жавобни айтди.

Халқимиз кексаллики кўприкка қиёслайди. Бу манзилдан кимдир ўта олади, кимдир... Афсус, орамизда Меҳринисо опа каби ёшларга ўрнак бўлиш ўрнига, ўйламай, бировларнинг тақдири билан ўйнашаётган аёллар ҳам учрайди.

ЯНА МЕХРГА ЗОРМАН

Ота-она ажрашишганида уч ёшда эканман. Онам мени холамининг қарамоғига топшириб, янги оила қурган экан. Афсуски, почтам мени ўз

боласидай қабул қилмади. Уйда тез-тез жанжал чиқавергач, қариндошлар маслаҳатлашиб, мени Меҳрибонлик уйига топширишди. У ерда ўзимга дўст, опа, ака орттирдим. Мурувватли тарбиячилар бағрида улгайдим. Отам умуман эсламас, онам эса баъзида келиб хабар олиб кетарди. Улгайиб, компьютер тузатишни пухта ўргандим ва бир ташкилотга ишга кирдим. Тақдири ўзимга ўхшаган Анастасия исмли рус қизи билан оила

маблағни талаб қилишарди. Охири таъйиқ остида яшашдан чарчаб, ажралишга қарор қилдим. Уйни сотиб, пулини бўлишиб олдик. Ўзимга тегишли маблағга шахар четроғидан бир хонали уй сотиб олдим. Ҳозир ёлғизман. Ёшим 32 да. Ўзим каби ота-она ва яқинлар меҳрига муҳтож 30 ёшгача бўлган қиз ёки аёл бўлса, оила қурмоқчиман.

ҲАМДАМ,
Тошкент шаҳри.



Бахтли бўлинг

курдик. Бизга шахар марказига яқин жойдан икки хонали уй беришди. Ширин ҳаётимизга Аня (уни шу ном билан қақирардим)нинг онаси, яъни қайнонам оғу солди. Бир вақтлар қизидан воз кечган она фарзанди борлигини эслаб, уйимизга серқатнов бўлиб қолди. Анянинг кўнгилачилигидан фойдаланиб, ўз уйини сотиб, бизникига кўчиб ўтди. Хотинимни менга қарши гиж-гижлаб, ўртамизга совуқчилик тушира бошлади. Эртадан-кечгача тинмай ишлардим. Она-бола эса топишга имкониятим етмайдиган

БИР ҚАЙНОНАМ БЎЛСАЙДИ...

Етти ёшимда йиқилиб, бошимдан оғир жароҳат олганман. Баъзида бошим айланиб, ҳолсизланиб, ҳушимни йўқотаман. Онам шифокор бўлгани сабабли ўз вақтида даволатиб тургани учун анча вақт касалликдан халос бўлгандим. Аммо икки йилдан бери шу дард мени яна қийнай бошлади. Ёшлигимдан бувим билан ўсганман. У киши оламдан ўтгач, соғиниб йилгайверганимдан яна бошимдаги оғриқ безовта қила бошлади. Бувим раҳматли “Бахтли бўлишга лойиқсан, келин бўлиб тушган хонадонингни гуллатасан”, дерди доим. Афсус, ўйимни кўролмай кетди. Қанийди, бувим каби юзидан нур таралиб турувчи бир меҳрибон қайнонанинг келини бўлсам. Ёшим 28 да. Маълумотим ўрта маҳсус, ҳамшира бўлиб ишлайман. 35 ёшгача бўлган Тошкент шаҳри ёки Фарғона вилоятида яшовчи (бирор нуқсон бўлса ҳам майли) йилгитга турмушга чиқиш ниятидаман.

АНОРА,
Хоразм вилояти

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

АПЕЛЬСИН

Табиат — дорихона

Апельсин кайфиятни кўтарувчи, тетиклаштирувчи, терини соғломлаштирувчи, ҳар қандай шамоллашнинг олдини олувчи хусусиятга эга. Бундан ташқари, унинг шарбати чанковбосди ичимлик сифатида қадрланади. Бу меванинг умумий тарихи қанд, лимон кислотаси, С, Р, А, В₁, В₂ витаминлари, пектин ҳамда минерал моддалари, фитонцидлар, пигментлар, эфир мойига бой.

* Апельсин шарбати га шаккар қўшиб истеъмол қилинса, иммунитетни оширади ҳамда сафрони ҳайдайди.

* Унинг шарбати димланган гўшта сепилганда, таомнинг таъми ниҳоятда хушхўр бўлиб пишади. Еганда мазаси оғизда қолади.

* Янги сиқиб олинган апельсин шарбати ни лимон шарбати ўрнига балиққа сеппилса, ёқимли таъм берибгина қолмай, иштаҳани оцади.

* Унинг қуритилган пўчоғидан витаминга бой дамлама тайёрлаб, шамоллаганда, йўтални даволашда, қон босимини меъёрлаштиришда ичиш тавсия этилади.

* Ҳар куни бир дона апельсин ейиш томирларда турли тикилма (тромб)лар пайдо бўлишининг олдини олишига нафи тегиши билан бирга хотирани ҳам мустаҳкамлашда катта ёрдам беради.

* Ошқозонга чўкиб қоладиган нитрит ва нитратлар концентроген моддаларини пайдо қилади. Бунинг оқибатида саратон хасталиги келиб чиқади. Апельсин таркибидеги С витамини эса бундай қўйқа йиғилишининг олдини олади.

* Дўкон ёки бозорлардан ушбу сеvimли мевани харид қилишдан аввал унинг пўстига эътибор бериш лозим. Агар пўсти ялтиллаётган бўлса, демак, бундай апельсиннинг тарихида кимёвий унсурлар кўп. Текис ва хира пўстлиги эса мазали ҳамда фойдалидир.

* У озиш учун энг яхши воситадир. Ҳафтада бир кун нонушта, тушлик ва кечки овқат маҳали фақат апельсин истеъмол қилиш лозим. Унинг оқили кўп бўлгани боис очлик сезилмайди. Пўстида танадаги холестерин миқдорини меъёрлаштирувчи пектин моддаси мавжуд.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

ФЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Пиёладаги чой қолдигидан қолган изларни кетказиш учун уни ичимлик содаси билан ишқаланг, сўнг сувда чайиб ташланг.

Бўйин боғларни қисиб боғлашга лозим, чунки бу ҳол қон босими касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Нур билан иситувчи микротўлқинли печдан фойдаланаётганда овқатни пластмасса ёки зарсиз идишларда қўйганингиз маъқул.

Уйкуга кетишдан олдин қўл телефонларини ўзингиздан камида уч метр узоқликда қўйинг.

Кунига 10 граммдан қовоқ данаги истеъмол қилиш ҳаддан ташқари ориқликдан халос қилади.

Товонлардаги ёриқларни кетказиш учун ҳар куни ичимлик содаси солинган илиқ сувда оёгингизни 10 дақиқа атрофида ванна қилин, сўнгра товонларингизни уқалаб, бирор намлантирувчи крем суртинг.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ҚУДАЛИК ЖУДОЛИК БЎЛМАСИН...

Хар бир ота-она фарзандининг соғлом туғилиши ва вояга етишини истайди, унинг саломатлиги учун хар сонияда қайғуриб яшайди. Бирок...

Айрим ота-оналар қариндош билан қуда тутинаётганда улардаги бу туғилулар қаерга чекинади, деган савол кишини ўйлантиради.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ тугма ирсий касалликлар манбаи бўлиши мумкинлиги тиббиётда аниқлангани, бунга ҳаёт шохидлик бераётгани барчага аён.

...Эндигина тушликдан қайтгандик. Неварасига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олгани келган Салима опа кираверишда бошини ҳам қилиб ўтирар, ёнидаги йигит ҳам тушкун кайфиятда эди. Биз ажрим масаласида келишган шекилли, деб ўйладик. Кўп ташвиш чекиб, яна изтиробда турган мушгипар аёлга бироз тин олиши учун сув узатдик.

— Раҳмат, қизларим, томоғимдан сув ҳам ўтмайди, совуқ ерга ўтираверсам, сал ховуризм босилади, — деди у.

Унинг кўзидаги чуқур мунгни кўриб, ачиндик. Ёнидаги йигит эса қизининг умр йўлдоши экан. Куёв тўғруқхонадан берилган маълумотномани бизга узатди.



— Янги меҳмон муборак! — табрик-ладик.

Бу гапимиз уларнинг дилидаги чўғни алангалатгандек бўлди, аёлнинг кўзидан ёш қуйилди. Сабабини сўрасак, Салима опа ёзғириб кетди:

— Ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман. Бобо-бувим эрта оламдан ўтиб кетишган экан, ховли-жойлар отамга қолган. Унинг синглиси “Ака, қизингизни чиқарсангиз, бу уйлар бегона куёвга насиб қиладимиз”, деявериб, миясига қуйган эканми, мени болалигимданок аммаваччамга “бешик-керт” қилишган экан. Йиллар ўтиб, аммаваччам билан муносабатларимиз катталар истагандек зус олди ва турмуш курдик. Тўғриси, эримнинг феъли жуда яхши, беозор. Кетма-кет фарзанд кўрдик, аммо хар гал бу бахтимиз кемтик бўлди, болаларимиз тугма ирсий касаллик билан туғиларди, кўп ўтмай вафот этишарди. Умида

Ойна

тўртинчи фарзандимиз. Худога шукур, у соғлом туғилди. Тўрт йилдан кейин унинг укаси дунёга келди, бироқ у ҳам ногирон эди. Ўтган йили ўн етти ёшида дунёдан кўз юмди. Шундан кейин бола кўришга эр-хотин кўриб қолдик. Умидамни яхши жойга узатдик. Болаларимизнинг носоғлом туғилишининг асосий сабаби, эрим билан қариндошлигимиз эканлигини кеч бўлса-да, англаб етдик ва қизимизни етти ёт бегонага турмушга бердик.

Минг афсуски, тақдирни қарангли, қизимнинг боласи ҳам нуқсонли туғилди. Ота-онамиз томонидан йўл қўйилган тузатиб бўлмас даҳшатли хато қачонгача бизларни таъкиб қиларди?! — деди у армон билан.

Салима опанинг бу аламли саволини эшитиб, мулзам тортиб қолдик. Мутахассис-шифокорларнинг қайд этишича, ирсий касалликлар ирсий ахборотни наслдан-наслга ташувчи генларнинг ўзгаришлари натижасида юзага келади, бу касаллик ташувчи генларнинг кўпчилиги танада яширин ҳолда сақланади, бу манбалар бирига ўхшаш гени ота-оналар орқали фарзандларга ўтиб қўшилиши оқибатида ирсий касалликлар болаларда намоён бўлиши хусусиятига эга экан.

Қариндошлар ўртасида қуда-андачиликка йўл қўйиш бўлажак оила ва туғилажак фарзандлар тақдирини ана шу каби тузатиб бўлмас нохушликларни келтириб чиқариши ҳақида жойларда бўлганимизда доим сўз юртамиз. Одатда, бундай ҳол кузатилаётганда ота-оналарнинг хар бирига батафсил тушунтиришга тўғри келади. Чунки жондан азиз фарзандларимизнинг сийҳат-саломатлиги, соғлом туғилиши учун хар биримиз масъулмиз.

Гулноза НАСРЕТДИНОВА,
Бухоро шаҳар Никоҳ уйи инспектори.

Қатра

ЖУМБОҚ

Бирга яшамай туриб инсонни билиш қийин, у ким бўлишидан қатъи назар, айниқса, қуда танлаш, келин қилиш, қиз узатиш...

Негаки, сизни кулиб турган кўзлар алдаши мумкин... Бод томиб турган сўзлар алдаши мумкин... Нур ёғилиб турган юзлар алдаши мумкин...

Эҳтимол, наққа қулоқ тутиш керакдир: қуш уясида кўрганни қилса, уясини кўриш лозимдир... Онасига қараб қизини олиш керакдир...

Аммо... Бир онанинг табиати икки дунё бўлган қизлари ҳақида нима дейсиз? Яқинига бориб кўрмасангиз, инсон ҳеч қачон ечиб бўлмайдиган жумбоқнинг ўзи.

Лола ЎРОҚОВА

КИМЛАР БИЛАН НИКОҲ ТУЗИЛМАЙДИ?

Никоҳ тузиш қандай тартибда амалга оширилади?

Э.Нарзуллаев,
Зомин тумани.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига асосан, никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органга ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Узрли сабаблар бўлганда ФХДЭ органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Қандай ҳолатларда никоҳ тузишга йўл қўйилмайди?

Д.Одилов,
Пахтакор тумани.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолатлар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар сифатида белгиланган:

— никоҳланувчи шахсларнинг локал биттаси рўйхатга олинган пайтда бошқа никоҳда турган бўлса;

— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;

— никоҳланувчи шахсларнинг локал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Саволларга Жиззах тумани ФХДЭ бўлими мудири Д.НОРКУЛОВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга кирилади — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:

Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Дилором МАТКАРИМОВА**

Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**

Мусахҳилар — **Сайдгани САЙДАЛИМОВ,**
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5



ЎФФ: ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

«Зарафшон» кино-концерт залида Ўзбекистон Футбол Федерациясининг йил якунларига ва 2013 йил лауреатларини тақдирлашига бағишланган тантанали маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбир давомида ўз ёш тоифасида Туркия ва БАА давлатларида ташкил этилган жаҳон чемпионати баҳсларида муваффақиятли ўйин кўрсатган Ўзбекистон U-20 ёшлар ва Ўзбекистон U-17 ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, хар иккала терма жамоа мураббийлари — Аҳмаджон Музаев ва Дилшод Нуралиев «Chevrolet Malibu» русумидаги автомобиллар билан тақдирланишди.

Йил якунларига бағишланган маросимда тўққиз номинация бўйича энг яхшилар аниқланди, совринлар топширилди. Жумладан, Ўзбекистон U-17 ўсмирлар терма жамоасининг бир йўла уч нафар футболчиси — Акбир Тўраев, Жамшид Болтабоев ва Иззатилла Абдуллаевлар «Йилнинг энг яхши ёш ўйинчиси» йўналишида голиб деб топилди. Ўз навбатида, уларнинг устози Дилшод Нуралиев «Йилнинг футбол бўйича энг яхши болалар мураббийи» номинациясида голиб деб топилди.

«Fair Play — Ҳалол ўйин» номинациясида Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси голиб чиқди. Ҳакамлар орасида эса кетма-кет саккизинчи марта Равшан Эрматов «Йилнинг энг яхши ҳаками» деб топилди.

«Энг яхши матбуот хизмати» номинациясида «Насаф» футбол клуби матбуот хизмати сазовор бўлди.

Тошкентнинг «Бунёдкор» клуби украиналик ҳужумчиси Александр Пешур «Энг яхши тўпурақ» совринини қўлга киритди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда Москванинг «Локомотив» клуби ҳимоячиси Виталий Денисов ОАВ ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари якунига кўра Ўзбекистоннинг 2013 йилдаги «Энг яхши футболчиси» деб топилган бўлса, Ўзбекистон миллий чемпионати бронза медали соҳиби ва Ўзбекистон Кубогини финалчиси Қаршининг «Насаф» клуби бош мураббийи Рўзиқул Бердиев йилнинг «Энг яхши мураббийи» деб топилди.

**Интернет манбалари асосида
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.**

ЭЪЛОН!

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 29.06.2010 йилда Зиятдинов Жавахир Муҳаммад Аминович номига берилган регистратсия рақами 10325 бўлган №1851736-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А3, ҳажми 2 тажук, Адади — 6560. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46